


Ер остидаги масжид




10:07 / 14.01.2019 4754

Жазоирнинг ал-Блида шаҳри чеккасидан жой олган масжид кўпчиликнинг диққат-эътиборини умуман ўзига тортмайди. Чунки масжид кўримсизгина бўлиб, у ер остида жойлашган. Мазкур ибодатхонанинг тарихи ҳақида сўз борганда, маҳаллий аҳоли орасида Жазоирнинг 130 йил француз истилочиларига қарши олиб борган истиқлол курашининг ёрқин нишонаси сифатида ёдга олинади. Мустамлакачилар босиб олган ерларида ўз тартиб-қоидаларини ўрнатиб борардилар. Улар ҳатто араб тили ўқитилишини ҳам тақиқлаб қўядилар. Масжидлар ёпилиб ёки бузиб ташланар, ё бўлмаса насоролар ибодатхонаси ва яҳудийларнинг синагогига ўзгартириларди. Ана шундай оғир пайтларда пойтахтдан 800 км узоқликда, қуёш ботиш тарафида жойлашган ал-Блида шаҳри диний олимларидан шайх Муҳаммад ибн Баҳус ер остида масжид қуришни буюради. 6 метр чуқурликда, 200 кв.м кенглигидаги ушбу ибодатхона ўша даврда шаҳардаги мусулмонларнинг энг тинч ибодат қиладиган масканига айланган эди. Масжидга кичкина эшик орқали, қазиш ишларида ўрнатилган нарвон орқали тушилади. Маълум бўлишича, ушбу масжидда то мустамлакачилар Жазоирни ташлаб чиққунларича 375 та ҳофиз Қуръон етишиб чиққан экан. Бугунги кунда ҳам масжид ўз фаолиятини давом эттирмоқда.







Islom.uz портали таҳририяти